



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА СЕПТОЛЕТЕ® ТОТАЛ ЛИМОН ВА БУЗИНА

Препаратнинг савдо номи: Септолете® тотал лимон ва бузина
Таъсир этувчи моддалар (ХПН): бензидамин+цетилпиридин хлориди
Дори шакли: пастилкалар

Таркиби:

1 пастилка куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: бензидамин гидрохлориди ва цетилпиридин хлориди.

1 пастилка 3 мг бензидамин гидрохлориди ва 1 мг цетилпиридин хлориди (моногидрат кўринишида) сақлайди.

ёрдамчи моддалар: изомальт (М тур) (E953), лимон кислотаси (E330), бузина ароматизатори, сукралоза (E955), цитрус ароматизатори, левоментол, куркумин бўёвчиси (E100), хлорофиллиннинг мис мажмуали бўёвчиси (E141), аччиқ ялпиз барглари мойи.

Таърифи: четлари кесилган дағал юзали оч яшилдан яшил ранггача бўлган думалок пастилкалар. Оқ рангли қатлам, нотекис бўялиш, карамель массада ҳаво пуфакчаларининг мавжуд бўлиши ва қирраларнинг аҳамиятсиз нотекислигига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: ЛОР-аъзолари касалликларини даволаш учун қўлланиладиган восита. Ностероид яллиғланишга қарши препарат + антисептик восита.

АТХ коди: R02AA20

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Бензидамин – ностероид яллиғланишга қарши восита бўлиб, яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва маҳаллий оғриқсизлантирувчи таъсирларга эга. Цетилпиридин хлориди – тўртламчи аммонийли бирикмалар гуруҳига мансуб антисептик бўлиб, микробларга қарши, замбуруғларга қарши, вирулицид таъсирларга эга баъзи вирусларга қарши (масалан, грипп вируслари, респиратор-синцитиал вирус, коронавируслар ва бошқалар).

Одам оғиз бўшлиғининг физиологик ҳолатини тақлид қилувчи *in vitro* тадқиқотида Септолете® тотал лимон ва бузина пастилкалари оғир ўткир респиратор синдроми коронавирус 2 (SARS-CoV-2), бета-коронавирус 1 (OC-43 штамми) ва ортомиксовирусга (А туридаги грипп вирусини H3N2) вирус конвертининг ёқ қилиниши ва вируснинг инактивацияси туфайли қарши вирулицид таъсир кўрсатади. Септолете® тотал лимон ва бузина пастилкалари SARS-CoV-2 ва грипп А вируслари сонини қўллашдан 1 минут ўтгач 99,99% дан кўпроққа камайтирди.

Фармакокинетикаси

Сўрилиши

Иккита таъсир этувчи моддалар – цетилпиридин хлориди ва бензидаминдан фақат бензидамин шиллиқ қаватлардан сўрилади. Шунинг учун цетилпиридин хлориди бензидамин билан тизимли даражада фармакокинетик ўзаро таъсир қилмайди.

Бензидаминнинг оғиз бўшлиғи ва халқум шиллиқ қавати орқали сўрилиши таъсир этувчи модданинг қон зардобидан аниқланиши орқали исботланган, шундай бўлсада, унинг миқдори тизимли таъсир кўрсатиш учун етарли бўлмаган. Бензидаминнинг сўрилиши маҳаллий қўллаш учун дори шакллари нисбатан оғиз бўшлиғида эрувчи дори шакллари қўлланилганда юқорироқ (масалан, оғиз бўшлиғи учун спрей).

Тақсимланиши

Барча дори шаклларининг тақсимланиш ҳажми бир хил.

Чиқарилиши

Препаратнинг чиқарилиши асосан буйрақлар орқали, кўпроқ нофаол метаболитлар кўринишида содир бўлади. Ярим чиқарилиш даври ва умумий клиренси барча дори шакллари учун ўхшаш бўлади.

Қўлланилиши

Септолете® тотал лимон ва бузина пастилкалари оғиз бўшлиғида маҳаллий қўллаш учун яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва антисептик дори препарати ҳисобланади. Септолете® тотал лимон ва бузина оғиз бўшлиғи ва томоқни дезинфекция қилади ҳамда оғриқ, қизариш, шиш, иситма ва бузилган функция каби томоқнинг яллиғланиш белгиларини камайтиради.

Септолете® тотал лимон ва бузина яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва антисептик даволаш сифатида фойдаланилади:

- томоқни, оғиз бўшлиғини ва милкларни таъсирланишида;
- гингивит, фарингит ва ларингитда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Пастилкалар ҳар 3-6 соатда секин шимиш керак.

Катталар ва 12 ёшдан катта болалар

Тавсия этилган доза суткада 3-4 та пастилкадан.

6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар

Тавсия этилган доза суткада 3 та пастилкадан.

Кўрсатилган дозани ошириш мумкин эмас.

Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини антисептиклар гуруҳига мансуб бошқа препаратлар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.

Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини 7 кундан ортиқ қўллаш мумкин эмас.

Ножўя таъсирлари

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) томонидан тавсия этилган ножўя самаралар ривожланиш тез-тезлигининг таснифи:

жуда тез-тез	$\geq 1/10$
тез-тез	$\geq 1/100$ дан $< 1/10$ гача
тез-тез эмас	$\geq 1/1000$ дан $< 1/100$ гача
кам ҳолларда	$\geq 1/10000$ дан $< 1/1000$ гача
жуда кам ҳолларда	$< 1/10000$

тез-тезлиги номаълум мавжуд маълумотлар асосида баҳолашнинг имкони йўқ

Иммун тизими томонидан бузилишлар:

тез-тезлиги номаълум: юқори сезувчанлик реакциялари, анафилактик реакциялар.

Нерв тизими томонидан бузилишлар:

тез-тезлиги номаълум: оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг увишиши.

Нафас тизими, кўкрак қафаси ва кўкс орталиги аъзолари томонидан бузилишлар:

кам ҳолларда: бронхоспазм.

Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар:

жуда кам ҳолларда: оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг таъсирланиши, оғиз бўшлиғида ачишиш ҳисси.

Тери ва тери ости тўқималари томонидан бузилишлар:

кам ҳолларда: эшакеми, фотосенсибилизация;

тез-тезлиги номаълум: ангионевротик шиш, тери қичишиши.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Таъсир этувчи моддаларга ёки препаратнинг исталган ёрдамчи компонентларига юқори сезувчанлик.

6 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

Эҳтиёткорлик билан

Ацетилсалицил кислотаси ёки бошқа ностероид яллиғланишга қарши препаратларга юқори сезувчанлик, бронхиал астма (жумладан, анамнезида) ҳолатларида эҳтиёткорлик билан қўлланилади.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ўрганилмаган. Бошқа антисептиклар билан бир вақтда қўлланишдан сақланиш лозим.

Махсус кўрсатмалар

Септолете® тотал лимон ва бузина препарати 7 кундан ортиқ қўллаш мумкин эмас. Аҳвол яхшиланишининг кўринарли белгилари мавжуд бўлмаганда, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Септолете® тотал лимон ва бузина препарати қўлланилганда, ўта юқори сезувчанлик реакцияси ривожланиши мумкин. Бундай ҳолатда даволашни тўхтатиш ва тегишли муолажани буюриш учун шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Оғиз-халқум шиллиқ қаватининг ярали зарарланиши мавжуд бўлганда, агар симптомлар 3 кундан ортиқ сақланиб қолса, пациент шифокорга мурожаат қилиши керак.

Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини ацетилсалицил кислотаси ёки бошқа ностероид яллиғланишга қарши препаратларга юқори сезувчанлиги бўлган пациентларда қўллаш тавсия этилмайди.

Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини анионли бирикмалар (масалан, тиш пастасида мавжуд бўлади) билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас. Оптимал самарага эришиш учун Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини бевосита тишларни тозалашдан аввал ёки кейин қўллаш мумкин эмас.

Бир вақтда сут билан қабул қилиш цетилпиридиний хлоридининг микробларга қарши таъсирини пасайтириши мумкин, шунинг учун Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини сут билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик

Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини қўллашдан аввал, агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз ёки ҳомиладорлигингизни тахмин қилаётган бўлсангиз ёхуд ҳомиладорликни режалаштираётган бўлсангиз, шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Эмизиш даври

Эмизиш даврида Септолете® тотал лимон ва бузина препаратини қўллашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Септолете® тотал лимон ва бузина препарати транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Симptomлари: бензидамин дозаси ошириб юборилишининг заҳарли белгилари қуйидагиларни ўз ичига олади: кўзгалиш, тиришишлар, кўп терлаш, атаксия, титроқ ва қусиш. Цетилпиридин хлоридининг аҳамиятли миқдори ичга қабул қилингандаги заҳарланиш белгилари ва симptomлари қуйидагилар: кўнгил айниши, қусиш, шиш, цианоз, нафас мушакларининг кейинчалик шол бўлиши билан кечувчи асфиксия, марказий нерв тизимининг сўниши, артериал гипотензия ва кома. Одам учун ўлимга олиб келувчи доза 1-3 г ни ташкил этади.

Даволаш: махсус антидотнинг йўқлиги туфайли, бензидамин билан ўткир заҳарланишни даволаш симptomатик амалга оширилади. Цетилпиридин хлориди дозасини ошириб юборилишини даволаш ҳам симptomатик. Доза ошириб юборилган ҳолатда шифокорга

мурожаат қилиш керак.

Чиқарилиш шакли

Пастилкалар, 3 мг + 1 мг.

8 та пастилкадан ОПА/ПЭ/ПВДХ фольгали ва алюминий фольгали блистерда. 1, 2, 3, 4 ёки 5 та блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

Сақлаш шароити

30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

4 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99878 150 2828, +99878 150 2929, телефакс: +99878 150 1044